

Андижон шаҳар  
(шартнома тузилган жой)

“ 2 ” 01 2022 й.

Бундан буён “БУЮРТМАЧИ” деб аталувчи Андижон шаҳар мактабгача таълим бўлими номидан низом асосида фаолият олиб борувчи Ш.Хамдамова бир томондан ва бундан буён «ТАЪМИНОТЧИ» деб аталувчи “Омадлик ҳамкор таъминот маркази” МЧЖ номидан низом асосида фаолият олиб борувчи Ю.Юнусов бошқа томондан, ушбу шартноманини куйидагилар тўғрисида туздилар.

## 1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Ушбу шартномага асосан «ТАЪМИНОТЧИ» куйидаги шартларга мувофиқ товарларни етказиб беришни “Буюртмачи” эса **товарларни** қабул қилади ва тўлайди,:

№	Товарларнинг номи	Ўлчов бирлиги	Микдори	Нархи (сўмда)	Умумий қиймати (суммаси сўмда)
1	Шолгом	кг	180	2000	360000
2	турп	кг	190	2000	380000
3	томат	кг	160	15000	2400000
4	курук коки	кг	150	15000	2250000
5	ошқовок	кг	300	2500	750000
6	повидло	литр	100	15000	1500000
7	Мол гушти	кг	780	65000	50700000
8	товук гушти	кг	280	19000	5320000
9	Гречка	кг	176	13000	2288000
10	Нухот ёрмаси	кг	180	6500	1170000
11	Перловка ёрмаси	кг	169	4500	760500
12	Шакар	кг	385	8800	3388000
13	Тухум	дона	8471	900	7623900
14	Гуруч	кг	280	8000	2240000
15	Пахта ёғи	литр	180	16000	2880000
16	ун	кг	200	2800	560000
17	ош тузи	кг	60	1000	60000
18	Лавлаги	кг	200	3000	600000
19	Олма	кг	305	7000	2135000
20	Чой кора	кг	10	25000	250000
21	манний ёрмаси	кг	110	6000	660000
22	Карам	кг	300	3500	1050000
23	Колипли нон 500 грамм	дона	2015	1500	3022500
	ЖАМИ				92347900

1.2. Шартноманинг умумий суммаси **92347900** (туксон икки миллион уч юз қирк етти минг туккиз юз) сўмни ташкил қилади

## 2. ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА ХИСОБ-КИТОБЛАР ШАРТЛАРИ

2.1. “Буюртмачи” мазкур шартномани Газначилик булинмасидан рўйхатга олинган кундан бошлаб 20 календар куни ичида Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 24 августдаги №241-сонли қарори талабларидан келиб чиқиб тўловлар кетма-кетлигига амал қилган ҳолда шартнома умумий суммасидан 30 % микдорида (шартнома суммасидан 30% микдорида) олдиндан тўлаш мажбуриятини олади, қолган 70% ни товарни олгандан сўнг 90 календар куни ичида қабул қилиш-топириш далолатномаси, ҳисоб-фактура асосида тўлайди.

2.2. «ТАЪМИНОТЧИ» аванс маблағлари Бажарувчининг тегишли ҳисобварағига келиб тушган вақтдан бошлаб 10 календар куни ичида товарни етказиб бериш мажбуриятини олади.

2.3. «ТАЪМИНОТЧИ» амалдаги ГОСТ га мувофиқ товарни етказиб бериши шарт.

2.4. “Буюртмачи” товарларни қабул қилишда «ТАЪМИНОТЧИ» иштирокида олинаётган товарларнинг тўлиқлигини ва сифатини савдоларни ўтказиш тўғрисидаги эълонда (буюртманомала) кўзда тутилган бошқа талабларга мувофиқлигини текшириши шарт.

2.5. Агар мазкур шартнома билан бошқа ҳоллар кўзда тутилмаган бўлса, товарларни ташиш ва тушириш бўйича барча харажатлар Бажарувчи ҳисобидан амалга оширилади. **а қўра товар муддатидан олдин етказиб берилиши мумкин.**

2.7. Етказиб берилган товар бевосита Буюртмачининг масъул ходимлари томонидан далолатнома бўйича қабул қилинади ва унда етказиб берилган товарларнинг микдори, унинг сифати кўрсатилади.

2.8. Мазкур контрактда кўзда тутилган товарларни етказиб бериш, мазкур шартномага мувофиқ амалга оширилади.

Ш.О. Юсупов

### 3. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

#### 3.1. Буюртмачининг ҳуқуқлари:

Бажарувчидан Шартномани бажариш учун зарур бўлган давлат стандартлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;

Буюртмачи ҳисобидан товарлар ташиб келтирилганда, Бажарувчидан транспорт харажатларини қоплаб беришни талаб қилиш, агар мазкур шартноманинг шартлариджа бошқа ҳоллар белгиланмаган бўлса;

Бажарувчидан жойлаштирилган буюртманомага кўра мазкур шартномага мувофиқ, тегишли сифат, ассортимент бўйича товарларни етказиб беришни талаб қилиш;

Сифатсиз товар етказиб берилганда ўз ихтиёрига кўра қуйидагилардан бирини талаб қилиш:

- тегишли сифатдаги шунга ўхшаш товар билан алмаштириб бериш;

- камчиликларни беғараз бартарф этиш;

- Бажарувчидан мазкур шартнома шартларини бажармаганлиги ёки тегишли даражада бажармаганлиги натижасида етказилган зарарни қоплаб беришни талаб қилиш.

#### 3.2. Буюртмачининг мажбуриятлари:

- мазкур шартномага мувофиқ ўзининг жойлаштирган буюртманомаси бўйича етказиб берилган товарларни қабул қилиш;

- товарларнинг қийматини мазкур шартномада белгиланган нархда ва муддатда тўлаш.

#### 3.3. Бажарувчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- “Буюртмачидан” олдиндан тўлов ва етказиб берилган товарлар учун якуний ҳисоб-китобларни Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида кўзда тутилган тартибда ва ҳажмларда амалга оширишни талаб қилиш;

- Буюртмачидан жойлаштирилган буюртманомага мувофиқ, етказиб берилган товарларни асоссиз равишда қабул қилмаслик натижасида етказилган зарарларни қоплаб беришни талаб қилиш.

#### 3.4. Бажарувчининг мажбуриятлари:

- Буюртмачига товарларни мазкур шартномага мувофиқ белгиланган муддатда, миқдорда ва сифатда етказиб бериш;

- агар товарларни етказиб бериш жараёнида Бажарувчи шартнома шартлари ва меъёрлардан ва/ёки Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигидан четга чиқишга йўқ қўйган ҳолларда Буюртмачининг талаби бўйича 3 кун муддат ичида барча аниқланган камчиликларни беғараз бартараф этиш.

3.5. Мазкур шартнома белгиланган тартибда мазкур шартнома шартлари ва талаблари ва Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилигига мувофиқ ижро этилиши шарт.

3.6. Томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг ижросини таъминлаган тақдирда шартнома бажарилган ҳисобланади.

### 4. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИКЛАРИ

#### 4.1. Буюртмачи:

- савдоларни ўтказиш учун тақдим этилган ҳужжатларнинг ишончилиги ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги;

- савдолар ғолиби бўлган Бажарувчи билан шартнома тузиш ёки савдолар ғолиби бўлган Бажарувчи билан шартнома тузишни рад этиш муддатига риоя этилиши (ажратилган бюджет маблағлари камайиши ҳолатлари бундан мустасно);

- томонлар ўртасидаги шартнома мажбуриятларини бажариш тугаллангандан кейин беш йил мобайнида савдолар предмети бўйича эълонлар ва техник ҳужжатларнинг асл нусхалари сақланиши учун жавоб беради.

4.2. Товарларни танлаб олмаслик, шунингдек Бажарувчи шартномада белгиланган муддатда (даврд) уларни етказиб берганда товарларни олишни асоссиз равишда рад этганлик учун сотиб олувчи Бажарувчига танлаб олинмаган (ўз муддатида олинмаган) товарлар қийматининг 5 фоизи миқдорида, тез бузиладиган товарлар бўйича эса — 10 фоиз миқдорида жарима тўлайди.

Товарлар танлаб олинмаган (олиш асоссиз рад этилган) ҳолларда, Бажарувчи жарима ундиришдан ташқари, ушбу товарлар мавжудлигининг кафолатларини тақдим этган ҳолда, танлаб олинмаган (ўз муддатида олинмаган) товарлар қиймати тўланишини талаб қилишга ҳақлидир.

4.3. Тўлов талабномаси акцептини асоссиз равишда бутунлай ёки қисман рад этганлик, шунингдек ҳисоб-китобнинг бошқа шаклларида товарлар ҳақини тўлашдан бош тортганлик (банк муассасасига тўлов топширикномасини тақдим этмаганлик, чек бермаганлик, аккредитивни тақдим этмаганлик ва хоказо) учун буюртмачи маҳсулот Бажарувчига ўзи тўлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 15 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

Етказиб берилган товарлар ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун буюртмачи Бажарувчига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорида пеня тўлайди.

#### 4.4. Бажарувчи:

- савдоларда қатнашиш учун тақдим этилган ҳужжатларнинг ишончилиги;

- миқдор, сифат, техник параметрлар, шунингдек таклиф этилаётган товарларни етказиб бериш муддатлари ва жойи бўйича Бажарувчи буюртманомалари шартларининг буюртмачи буюртманомаларида назарда тутилган шартларга мувофиқлиги;

- савдолар шартларининг бошқа бузилишлари;

- тузилган шартнома шартларининг бажарилмаганлиги учун жавоб беради.

4.5. Агар етказиб берилган товарлар сифати, ассортимент ва нави бўйича стандартлар, техник шартлар, намуналарга (эталонларга) қонун ҳужжатларида ёки ҳўжалик шартномасида белгиланган бошқа мажбурий шартларга мос келмаса, сотиб олувчи (буюртмачи) товарларни қабул қилиш ҳамда уларнинг ҳақини тўлашни рад этиб, Бажарувчидан сифати, ассортимент ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима ундириб олишга, агар товарлар ҳақи тўлаб қўйилган бўлса, тўланган суммани белгиланган тартибда қайтаришни талаб қилишга ҳақлидир. Сифати, ассортимент ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар етказиб берганлик учун жарима Бажарувчидан акцептсиз тартибда ундириб олинади.

4.6. Товарларни етказиб бериш муддатлари кечиктириб юборилган, тўлик етказиб берилмаган, товар Бажарувчи сотиб олувчига (буюртмачига) кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар,

илмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тўлаш мажбуриятларини бузган тарафни товарларни етказиб бериш муддатларини кечиктириб юбориш, тўлиқ етказиб бериш, оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

7. Марка белгиси қўйилмаган ёки лозим даражада маркировка қилинмаган товарларни, шунингдек идишсиз ёки қўйилмаган товарларни ёхуд тегишли идишга жойланмаган ёки лозим даражада ўралмаган товарларни етказиб берганлик бажарувчи сотиб олувчига (буюртмачига) бундай товарлар кийматининг 5 фоизи миқдорда жарима тўлайди. Товар қабул қилингандан кейин яна жўнатилиши ёки сакланиши керак бўлган ҳолларда сотиб олувчи (буюртмачи) ва ундиришдан ташқари, ўз кучи билан, лекин Бажарувчи ҳисобидан товарларни ўрашга ва идишларга жойлашга, шунингдек шаҳардаги Бажарувчидан товарларни ўраб бериш ёки идишларга жойлаб беришни талаб қилишга ҳақлидир.

**5. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ**

- 5.1. Келишмовчиликлар ва баҳслар келиб чиққан тақдирда, томонлар, қоидага кўра, мустақил равишда уларни ҳал этиш чораларини кўрадилар.
- 5.2. Томонлар келишмовчилик ва баҳсларни ҳал этиш учун бевосита хўжалик судига мурожаат қилишга ҳақлидир.
- 5.3. Томонлар иктисодий судига мурожаат қилган тақдирда, суд иши даъвогар жойлашган манзилдаги иктисодий суд кўриб чиқилади.

**6. ФОРС-МАЖОР**

- 6.1. Ушбу шартномага асосан мажбуриятларни бажарилмаслиги ҳолатлари енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатлари натижасида вужудга келганда томонлар ўз мажбуриятларини бажармасликдан қисман ёки тўлиқ озод бўладилар.
- 6.2. Енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатларига томонларнинг иродаси ва фаолиятига боғлиқ бўлмаган ҳодисалари (зилзила, кўчки, бўрон, қургўкчилик ва бошқалар) ёки ижтимоий-иктисодий ҳолатлар (уруш ҳолати, давлат манфаатларини кўзлаб импорт ва экспортни тақиқлаш ва бошқалар) сабабли юзага келган шароитларда товарларни қабул қилинган мажбуриятларни бажариш имконини бермайдиган фавқулодда, олдини олиб бўлмайдиган ва томонларнинг ҳолатлари кирди.
- 6.3. Шартнома томонларидан қайси бири учун мажбуриятларни енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатлари натижасида бажармаслик маълум бўлса, дарҳол иккинчи томонга бу ҳақда 10 кун ичида ушбу ҳолатлар ҳаракати сабабини кўрсатиб билан тақдим этиши лозим.
- 6.4. Шартномага асосан мажбуриятларни ижро қилиш муддати ушбу енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатлари давом этиш муддатига қадар узайтирилади. Агар енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) таъсири 60 кундан ортиқ давом қилса, томонлар ташаббусига биноан шартнома бекор қилиниши мумкин.

**7. БОШҚА ШАРТЛАР**

- 7.1. Ушбу шартномада томонларнинг кўзда тутилмаган ўзаро муносабатлари Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан белгиленган тартибга солинади.

**8. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ**

- 8.1. Мазкур шартнома томонларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланиб, ҳудудий газначилик бўлинмасида қўйилган кундан бошлаб кучга кирилади ва 2022 йил "31" декабригача амал қилади.
- 8.2. Шартноманинг амал қилиши бир томоннинг ташаббусига кўра ой (бир) давомида бошқа томонга ёзма ариза билан кундан бошлаб, барча ўзаро ҳисоб-китоблар тугаганлиги муддатидан аввал тўхтатилиши мумкин. Томонлар ўзаро ҳисоб-китобларига олган барча мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаган ҳолларда шартнома бажарилган ҳисобланади.
- 8.3. Шартноманинг амал қилиш муддатини тугаши томонларни жавобгарликдан озод қилмайди.

**9. ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ:**

Сотувчи
<p>"Омадлик ҳамкор таъминот маркази" МЧЖ Андижон вилояти Олтинкул тумани Маслаҳат КФЙ</p> <p>ХР 2020800000985401001 СТИР 306033548 МФО 00074</p> <p>ТИФ Миллий банк Андижон</p> <p>Раҳбар: _____ Б.Юнусов</p> <p>Юрист: _____</p>

Олувчи
<p>Андижон шаҳар мактабгача таълим бўлими Андижон шаҳар Пирмухаммедов №1</p> <p>Хр 400522860034017091100251057 СТИР 305156119 ОКОНХ 92400</p> <p>Ўзбекистон Республикаси МВ Газначилик бўлимининг ХР 23402000300100001010</p> <p>Марказий банк ХККМ МФО : 00014 ИНН 201122919</p> <p>Раҳбар: _____ Ш.Хамдамова</p>

ik  
R  
21  
'gi  
ng  
ari  
1-  
ich  
ish  
  
vlat  
casi  
ing  
rlari  
  
arolik  
uvchi  
onuni  
vofiq.  
obgar

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN  
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA  
HUQUQIY XULOSA**

**1.Loyihaning turi**

Shartnoma.

**2.Loyihaning nomi**

**To'g'ridan-to'g'ri shartnoma**

Andijon shaxar maktabgacha ta'lim bo'limi bilan Andijon shaxar Birlik MFY O'zbekiston qo'chasi 37-manzilda joylashgan "OMADLIK HAMKOR TA'MINOT MARKAZI" mas'uliyati cheklangan jamiyati o'rtasida, 22.04.2021 yildagi 684-sonli O'zbekiston Respublikasini "Davlat xaridlari to'g'risida"gi qonunining 71-moddasi xamda O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 27.09.20218 yildagi PQ-3953-sonli "O'zbekiston Respublikasining davlat xaridlari to'g'risidagi qonunini amalga oshirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi qarorining 1-ilovasi 27-bandiga asosan to'g'ridan-to'g'ri 92 347 900 (to'qson ikki million uch yuz qirq yetti ming to'kkiz yuz) so'mlik oziq-ovqat mahsulotlarini sotib olish yuzasidan tuzilayotgan shartnoma loyixasi.

**Asos:** 22.04.2021-yildagi 684-sonli O'zbekiston Respublikasini "Davlat xaridlari to'g'risida"gi qonunining 71-moddasi, O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 27.09.2018- yildagi PQ-3953-sonli "O'zbekiston Respublikasining davlat xaridlari to'g'risida"gi qonunini amalga oshirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi qarorining 1-ilovasi 27-bandi.

**3. Loyiha ishlab chiquvchisi**

Andijon shaxar maktabgacha ta'lim bo'limi 20.01.2022 yil.  
Shartnoma loyixasini o'rganish yuzasidan,

**XULOSA**

Shartnoma loyixasi amaldagi O'zbekiston Respublikasining Fuqarolik Kodeksi va O'zbekiston Respublikasining 29.08.1998 yildagi "Xo'jalik yurituvchi sub'yektlar faoliyatining shartnomaviy xuquqiy bazasi to'g'risida"gi Qonuni talablariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq. Shartnoma yuzasidan kelib chiqadigan oqibatlarga bosh yuristkonsult javobgar emas.

**Yuridik xizmat ko'rsatish markazi**

**bosh yuriskonsulti:**

**S.O'rmonov**



**20.01.2022 yil**